

МУЗАФФАР ЖАҲОН

# ҚАРОҚЧИЛАР ФОРИ

*(ҚИССАЛАР, ҲИКОЯЛАР, ЭТЮДЛАР)*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2012

**УДК: 821.512.133-3**

**ББК: 84(5Ўзб)7**

**Ж-17**

**Жаҳон Музаффар.** Қароқчилар ғори/қиссалар, ҳикоялар, этюдлар. –Т.: «Янги аср авлоди», 2012 . 396 б.

ISBN 978-9943-08-864-1

Ҳар бир у ёки бу янги асарнинг минг бир алам ва азоб билан туғилиши, дунё юзини кўриши машаққат ва масъулиятнинг ўзгинаси. Буни ёзувчилик, ижодкорликдек сира ниҳояси, интиҳоси бўлмаган йўлга кириб қолган, игна билан қудуқ қазиш маҳоратини пухта ва мукамал эгаллаган заҳматкаш адибгина билади, холос. Бу ўринда биз қора меҳнатни, тор кулда тунни тонгга улаган бедорликни, узоқ тарих ва ўтмиш тариқатимизга оид қанчадан-қанча изланишларни, не-не классик асарларни муттасил мутолаа қилишни назарда тутаямиз. Оппоқ, бегубор варақни эртаю кеч қоралашни аслида чидаганга, сабрлига чиқарган.

Ана шундай машаққатларга чидаб, айтарли ҳар йили ўз китобхоналарига янги тўплам яратаётган серқирра ижод соҳиби Музаффар Жаҳон «Қароқчилар ғори» номи янги йирик прозаик асарини сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилаяпти. Ҳақли равишда фахр-ифтихор билан айта оламизки, сизу биз билган ва таниган адибимиз ушбу тўпламида ҳам бу серқирра ҳаёт фалсафасини, бири кам дунё муаммою ташвишларини оқилана очиб бера олган.

**УДК: 821.512.133-3**

**ББК: 84(5Ўзб)7**

ISBN 978-9943-08-864-1

© Музаффар Жаҳон, «Қароқчилар ғори». «Янги аср авлоди», 2012 йил.

## СЕРЗАҲМАТ ИЖОД МАҲСУЛИ

Бадиий, серқирра адабиётнинг қамрови ҳаддан зиёд кенг бўлиб, тоши ҳам ниҳоятда зилу замбил. Ана шундан бўлса керак, бадиий адабиётни ҳар ким ҳар хил тушунади. Бироқ, узоқ тунни мунаввар тонгга улаб, бедор ширин уйқудан кечиб, бетиним, беқўним илҳом излаган, қанчадан-қанча у ёки бу буюк классик асарларни титган, кетма-кет мутолаа қилиб, устма-уст варақлаган чинакам ёзувчи талқинида бадиий адабиёт гурбату машаққатнинг ўзгинаси. Машаққатлиги, серзаҳматлиги шундаки, ёзган қораламангни, ҳажман кичик ҳикоя ва қиссангни мукамал ишланган тўлақонли бадиий адабиёт даражасига етказиш учун ёзасан - йиртасан, бичасан – тикасан, қайта-қайта ўқийсан ҳамда ўта моҳир юрмадўз, чаққон каштачи сингари кўзинг нуруни, қалбинг қўруни тўкиб мунтазам тўқийсан. Ана шундан бўлса керак, таниқди рус адиби Михаил Шолохов: «Аслида бадиий адабиёт сарҳадсиз саҳродаги саробнинг ўзгинаси. Олисдан кўзга йилтираб оби ҳаёт бўлиб кўринган сароблар жуда кўпки, ҳамма қалам тебратаётган қаламкашлар чин маънодаги машҳур ёзувчи бўлиб кетавермайди», деб ёзган эди. Ёхуд қозоқ оқини Абай Қўнанбаевнинг «Биз адабиётшуносларнинг ёзиб-чизаётганларимизнинг айтарли ҳаммаси мукамал асар бўлиб, бадиий адабиёт хазинасини галма-гал бойитиб тўлдираверса, ер ковлаб олтину кумуш излашимизга асло ҳожат қолмаган бўларди», деган ўта жўяли талқини ҳам адабиётнинг, адабиёт назарияси ва фалсафасининг ҳарчанд мураккаблигидан, юқорида бот-бот қайд этганимиздек, серзаҳматлигидан, ҳаддан зиёд зилу замбил эканидан далолат беради.

Инкор этиш қийин, дурадгор уста ёғочга ажиб бир шаклу шамойил, ўзига хос нақш бериб, ўймакорлик санъатини мукамал эгаллаган бўлса, оддий сангтарош ҳар

қандай катта-кичик тошни оби-тобида тарошлаб, сайқаллаб ҳаммага кўз-кўз қила олади. Тажрибали адабиётшунос, иқтидорли ёзувчи эса ёғочни ҳам, метин тошни ҳам эмас, аслида оппоқ қоғозни, биргина қаламни олиб, яккаш тор кулдада қолиб игна билан қудуқ қазиган мисол қоралайверади, қоралайверади. Афсуски, бу қоралама дурадгорники ёхуд сангтарошни сингари ўн-ўн беш кунда ёки 2-3 ойда битай демайди. Унинг учун йиллар керак бўлади.

Сизу биз билган, ўнлаб тўпламларини мароқ билан ўқиган навоийлик ёзувчи Музаффар Жаҳон ҳам мана роппа-роса йигирма беш йилдирки, серзаҳмат, сермашаққат ижод билан машғул. У юқорида қайд этганимиздек, ҳажман кичик бир игна билан амаллаб қудуқ қазигандирки, бири-биридан ўқимишли «Сахро саҳнидаги хазина», «Тошга томган кўз ёши», «Кулоҳ ва гуноҳ», «Олов орасидаги одамлар», «Эзгуликка бахшида умр»га ўхшаган ранг-баранг очерклар, ҳикоялар, қиссалардан дасталаган қатор китоблари ҳаёт юзини, ўта синчков китобхон кўзини кўрди. Қўлингиздаги янги, ҳали оҳори тўкилмаган навбатдаги бу тўплам – «Қароқчилар ғори» яна бир кенг мунозарага ва мушоҳадага сабаб бўлгувчи прозаик асардир. Унда Музаффар Жаҳоннинг у ёки бу йилларда ёзилган бешта йирик қиссаси, ўндан зиёд катта-кичик ҳикоялари ва кўплаб энг сара этюдлари жамланган. Менга адабиётшунос олим, устоз ва мураббий сифатида ушбу асарга таҳлилий, тақризий тарзда баҳо бериш, унинг ютуқ ва камчиликларини холисона талқин этиш вазифаси юклатилган экан, бунини бажонидил қабул қилдим.

Чунки мен бу ижодкорни қарийб ўттиз йилдан буён жуда яхши биламан. У олийгоҳни тугаллаб Бухорода, қўйингки Ромитанда оддий мухбир бўлиб иш бошлаганида ўтган XX асрнинг етмишинчи йиллари охири эди. Сайқалдор сўз топиш, сўзни ўз ўрнида қўллай билиш ҳадисини олган бу қаламкашнинг ўша даврлардаёқ республика марказий нашрларида жуда кўплаб лавҳа ва очерклари, кишини беихтиёр ўйга толдирадиган туркум ҳикоялари чоп этилганди. Ҳам поэзияда, ҳам прозада бақамти қалам тебратаётган бу ҳассос ижодкор мустақиллик йил-

ларида янада баракали, янада ҳаракатчан қалам тебрат бошлади. Худди шу серқирра ижод маҳсули бўлса керак, эндиликда у бири кам бу дунё ташвишлари, замон долғалари, кенг ҳаёт фалсафаси, кишиларнинг турмуш тарзи борасида хаамири ҳам, зуваласи ҳам бир мунча пишиқ асарлар ярата бошлади. Бунга мисол қилиб, «Қароқчилар гори» тўпламини кўрсатиш мумкин. Унда ижодкор тарихий ўтмишни, оқ ва қора тарзда кечган не-не асрлар силсила ва зилзиласини ўта моҳирона очиб бера олган. Энг характерлиси, асарда адолат ва адоват, тўғрилиқ ва ўғрилиқ, диёнат ҳамда хиёнатнинг ишончли тарзда тўлақонли талқин этилганидир. Айниқса, бойлик, молу давлат, сохта обрў илинжидаги басир, қуликка асир кишиларнинг ички риёкорлик характери, салбий хулқ-атвори, бадфеъллик кечинмалари тўпланда шу қадар эҳтиёткорона қаламга олинганки, ҳар қандай муштарий диққатини шубҳасиз торта олади.

...Ҳа, ҳаммамиз хом сут эмган бандамиз. Бироқ, тўлиқ тафаккур, кенг дунёқараш, онг ва шуур тиниқлиги бор экан, хато ва нуқсонлардан бир қадар йироқмиз. Аммо кўп ва хўп ёзган ҳар қандай ёзувчидан эринмай изласанг, камчилик ҳам у ёки бу қусур ҳам албатта топилади. Ахир, бу – серзаҳмат ижод-да!

*Жўра Фозил*

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ҚИССАЛАР

---

---

**...Адабиёт барҳаётки тариху тариқатимиз, узоқ ўтмишимиз, серқисмат кечган қора кунларимиз абадиятга, мангуликка, қўйингки умрбоқийликка тамомила уйгун. Бир сўз билан айтганда, адабиётсиз, адабий жараёнсиз ҳаётнинг ҳам, хотиротнинг ҳам, қолаверса эртанги келажакнинг ҳам ўзи йўқ!**

Лев ТОЛСТОЙ

\* \* \*

**...Серқирра классик адабиёт – маданият, маърифат ўз навбатида юксак маънавият ҳам демакдир. Адабиёт асрлар оша кишилик жамиятини эзгуликка, яхшиликка ундабгина қолмай, одамларда тафаккурни чархлаб, дунёқарашни муттасил шакллантириб боради!**

Максим ГОРЬКИЙ

## АРВОҲЛАР ОРОЛИ

Тинч океан, қалқиб-қалқиб, соҳил узра урар бош,  
Сув ости-ю ул устида ҳайратомуз кемалар.  
Уммон узра бир орол бор, Асколд – деган қоя тош –  
У арвоҳлар оролики, эсиз... Кўз ёш ЮМАЛАР!

\* \* \*

Сарҳадсиз, чеку чегарасиз бўлган еру заминнинг устида, сира ҳам интиҳоси бўлмаган поёнсиз фалакиёт, устунсиз осмоннинг остида қадимда кимлар, қанақа уруф ва қавмлар яшаб ўтмаган, дейсиз! Биз билган, билмаган, тўла ўрганмаган узоқ тарихнинг тўлиқ гувоҳлик беришича, мавжуд бешта у ёки бу қитъанинг айтарли ҳамма ери:

хоҳ у қуруқлик, хоҳ у сувлик бўлсин, ўзи оч, ўзидан ҳам кўзи оч, ярим яланғоч одамзот билан тўлиб-тошган. Биз ўша, олтинчи қитъа, тарзида эътироф этиб, муттасил санаб келаётган Антарктида, яъни кимсасиз шимолий музликлар қитъаси ҳам наинки оқ айиқлар, балки у ёки бу қор ва бор одамлар билан тирик. Дунёнинг учдан икки қисми уммону денгизлардан, катта-кичик дарё-ю кўллардан иборат бўлса-да, уларда ўша биз оч, ярим яланғоч санаётган одамзот йўлини қилиб, қўним ва унум топган. Аждодларимизнинг энг қадим эволюцион миграцияга диққат билан назар соладиган бўлсак, инсоният тарихи, ўтмиши азалдан жуда кўп кўчманчиликлардан иборат. Табиат қаҳру ғазаби, зилзила ва силсилалар жараёни, доимий вулқонлар ҳаракати, давлатчилик низолари, ер ва сув талашишлар, қўйинги, халқлараро у ёки бу урушлар туб ва турғун аҳолини бир ерда мунтазам қўним топишига сира ҳам имкон бермаган. Кўчманчилар ичида биргина биз билган лўлиларгина эмас, ўз навбатида ҳиндулар, орийлар, зардуштийлар ва муғлар ҳаддан кўп жой ва қароргоҳ алмаштириб туришган. Бу жараён, айниқса, милoddан аввалги икки мингинчи йилликларда янада авж олган.

Қадим зардуштийлар ва орийлар талқини ва тушунчасига қараганда куррайи замин, қўйинги, моддий олам, сиз билан бизни ўраб турган бутун борлиқ аслида тўртта ғайритабиий муқаддас унсурдан иборат. Бу – олов, тупроқ, сув ва ҳаводир. Уларнинг дунёқарашига, калтабин ўй-фикрига асосан, бу муқаддас унсурларни ифлос этиш, ҳаром қилиш, ҳуда-беҳуда булғаш ўта кечирилмас гуноҳ саналган. Бу бўлмағур ақидага, айниқса зардуштийлар яъни оташпарастрлар қатъий амал қилишган. Улар узоқ яшаб, қариб, ажали етиб вафот этганларнигина эмас, айрим сабабларга кўра бевақт ўлган одамларнинг жасадига тамомила совиб, қотиб бўлгач, уни батамом ҳаром, ифлос ҳисоблашган. Худди шу салбий тушунча сабаб, майитни тупроққа қўмишни, сувга чўктиришни, оловда куйдиришни тамомила жиноят, деб тушунишган. Ана шу ва шунга ўхшаш кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ақида ҳамда тушунчаларга кенг амал қилган оташпарастрлар майит-

ни ким бўлишидан, хоҳ у ота ёки она, буви ёхуд боболигидан қатъи назар энг баланд тоғ чўққиларига, сарбаланд қоя тошларга чиқариб ташлаб, совуғу иссиққа олдиришган. Жилла бўлмаса, йиртқич қушлар, ўлаксахўр қузгунларга ва қурт-қумурсқаларга ем қилишган. Орадан 2 - 3 йилча вақт ўтгач, увадаси чиқиб, тақирлаб – шақирлаб қолган суяқларини териб олиб, махсус шиббаланган сопол идишларга солиб, тошлар, санглар орасига яшириб қўйишган.

Хўш, биз билган ва билмаган тарихга чуқур назар соладиган бўлсак, куррайи заминимизнинг, сир-синоатга бисёр ер шаримизнинг қаерига, қайси бир бурчагига қадар бу одамзот қадами етмаган, ахир?! Ёки мавжуд бешта катта-кичик қитъанинг қаерида оқу қора ирсиятга, наслу насабга эга бўлган бу бандаи мўмин, қўйининг оғзидан чўп олмас одамзот мавжуд эмас?! Ҳа, айтарли ҳамма ерда, дунёнинг барча бурчида турфа хил мавжудотлар, тирик тўқима ва ҳужайралар каби тафаккури, онг - шуури бир қадар шакланган, тийранлашган кишилар яшашади. Ҳатто биз тўла ўрганиб, батафсил кашф этмаган ўша тамомила музликлар қатламидан иборат олтинчи қитъа, деб атаб келинаётган борса-келмас Антарктидада ҳам наинки оқ айиқлар, балки китсимон баҳайбат балиқларга, у ёки бу тюлинларга уйғун тарзда қор одам ва бор одамлар истиқомат қилишади. Улар ўлчаб-ўлчаб адоғига, ўйлаб-ўйлаб сира ҳам жумбоғига етиб бўлмас ер шарига бу тарзда қандай ва қачон тарқалишган? Ахир, милоддан илгариги икки-уч мингинчи йилликларда инсон зоти транспортни кашф этиш у ёқда турсин, оддий ёғочдан арава ясашни, чўпдан сол тайёрлаб, сувда сузишни эплаб билмаган-ку! Бор бисотидаги ҳаракат воситаси бу – от, туя, эшак ва хачир бўлган, холос!

Энг характерли жиҳати, ҳали харитага тўла тушиб улгурмаган сувли оролар дейсизми, чакалакзор ва қамишзорлардан таркиб топган бўғоз ва кўрфазлар, ботқоқликлардан иборат кимсасиз қўллар дейсизми, айтарли барисиди тўлиқ ўрганилмаган қавм ва уруғ, маданияти, турмуш тарзи бизга тамомила ёт бўлган жунли ва думли одамлар озми-кўпми, бинойидек яшашмоқда. Ҳайратдан,



таажжубдан ёқа ушлайсан киши! Сўнгсиз Сибирдек, олис тайга-ю ажабтовур буғулар, кийиклар, алхарлар мамлакати бўлган Чукоткадек, Бурятиядек серизғирин, серсовуқ, қирчиллама қиши айтарли йил ўн икки ой чўзиладиган рус ерларида лўлилар, орийлар. муғлар, озарлар нима қилади? Бу қавм, шажара ҳамда уруғ вакиллари бу ерларга қачон ва қандай қилиб келиб қолишган? Ёхуд чегаралари айтарли дахлсиз, чегарачилар билан қўриқданмайдиган, давлатчиликларига тўла асос солинмаган кезларда улар кўчманчи тарзида ўтиб қолишганми?! Хулласи калом, ўйлаб-ўйлаб, силу ботил бўласану, бироқ сира охирига, ечимига етмайсан киши! Агар мозийни астар ва аврасини бир қадар титиб - ағдарадиган бўлсангиз, аслида, қадим-қадимдан тамомила орийлар қабила ҳамда уруғчилигидан иборат бўлган зардуштийлар ва муғлар қаерларда яшашган? Илмий манбаларда эътироф этилишича, ўтмишда зардуштий, муғлон ва муғ қабилаларига мансуб кишилар Ўрта Осиёдан, Ўзбекистондан, аниқроғи Хоразм тупроғидан бўлишган. Буни Муғон чўлидаги «Узунтепа» (Озарбайжон). «Муғ қалъа» (Тожикистон), «Муғажар» (Қозоғистон), «Муғлон», «Муғхона», «Узунқир» (Бухоро), «Муғанбоғ», «Муғанбоғот» (Хоразм) «Муғалота» (Хатирчи) дан топилган энг қадим муғлар қабилачилигига оид ноёб топилмалар, сопол идишлар, мис кўзалар, турфа осори-атиқалардан ҳам яққол билиб олиш мумкин.

Муғлар ва зардуштийлар асосан табиат ўжарликлари, сурункали қурғоқчиликлар, не-не силсила-ю зилзилалар, ҳуд-беҳуд ҳамда ҳақ-ноҳақ урушлар туфайли беқарор кўчманчи лўлилар каби ўз туғди-битди ерларини тарку дунё айлашган ва мунтазам у ердан бу ерга кўчиб юришган. Муғлар ва зардуштийларнинг ёппасига кўчиш даври асосан милоддан аввалги тўртинчи минг йилликларга тўғри келади. Тарихчи олим Баҳодир Эшовнинг узоқ йиллик изланишларига кўра, ўтмишда бу кўчманчилар Ўрта Рус текислиги, Олтой, Урал минтақалари бўйлаб, ҳатто чексиз Сибирдан тортиб, токи Болқон ярим оролларигача етиб боришган. Афсуски, муғлар ва зардуштийларнинг Узоқ Шарқда, океанолди ўлкаларда, қўйингки Тинч оке-

ани тарафларда, унинг қоқ белида бўлган мўъжизавий Асколд оролида бўлишиги, турғун ҳолда бу ерда узоқ яшашлиги асло тасаввурга сиғмайди. Улар қачон ва қандай қилиб, тубсиз уммон, сарҳадсиз океаннинг қоқ белида бўлган кимсасиз оролга келиб қолишган? Яна бир сержумбоқ, ўта мавҳум жиҳат, бу – нега энди, атайин сарҳадсиз уммон, сув ўртасидаги афсонавий Асколдга? Айтишларича, орийлар қавми ўз замонасининг энг билимдон, энг чаққон, ўз ўрнида келажакни олдиндан кўрувчи ўта уддабурон кишилари бўлишган. Улардан таркиб топган муғлар ва зардуштийлар ҳам ушбу қиссамиз бошида таъкидлаганимиздек, беқўним замоннинг не-не долғаларидан, олатасирларидан, ички ва ташқи зиддиятлардан, қўйингки, хотимаси асло кўринмаган урушлардан безиллаб, изиллаб боши оққан томонларга тум-тарақай қочишган.

Нега энди, тарихдан атайин сокин ва тинч атамаси ҳамда номини олган олис Тинч океанига? Ёки унинг сув ичидаги ажралмас бўлаги бўлган ҳажман кичик бир тош оролига?! Илмий манбаларда, археологик топилмаларда бир неча бор қайд этилишича, у ёки бу ривоятларда бот-бот тилга олинишича, уммон орасидаги афсонавий Асколд ороли ўтмишда жаннатнинг, боғи Эрамнинг ўзгинаси бўлган экан. Қадимда ҳарчанд орзу этмасин, ман-ман деган ҳукмдорлар, хоқону султонлар, қолаверса, қазабидан, пойқадамидан ўт чақнайдиган амри подшоҳлар ҳам бу ерга дам олишга, бир муддат ҳордиқ чиқаришга сира-сира келолмас экан. Ўзи азалдан океанлар, катта-кичик денгизлардаги ороллар каби Асколд ҳам кичик бир орол бўлса-да, ундаги ажиб манзара кишини беихтиёр сеҳрлаб, мафтун этиб қўяркан. Ундаги ўзига хос мўътадил иқлим, ранго-ранг биосфера, турфа ранг наботот олами, айниқса ҳайвонот дунёси ҳар қандай одамни маҳдиё этмай қўймас экан. Ана шундан бўлса керак, овлоқ, бехатар жой ва макон танлашнинг ҳадисини, тажрибасини олган муғлар энди ола-тасир қуруқлик қолиб, сув ичидан ҳаёт-мамот излашга ҳаракат қилишган. Кимлардандир бу орол таърифини эшитган, нима биландир келишнинг режасини обдон тузиб пишитган шекилли, улар ўта жозибадор сув-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/2247> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2247> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/2247>